O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI 28 02 09
Инв. №

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 13-fevral • № 7 (3990)

## ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯПОНИЯДАГИ ЮТУҒИ

***Японияда "XIII Халқаро Гунма ёшлар оркестри фестивали" бўлиб ўтди. Унда Россия, Япония ҳамда Ўзбекистон вакиллари иштирок этди.***

Мамлакатимиз номидан мусиқа анжуманида бир неча халқаро мусиқий танловлар совриндорлари — Р.Глиэр номидаги махсус мусиқий академик лицей 2-босқич ўқувчиси М.Қодиров ва Ўзбекистон давлат консерваторияси 2-босқич талабаси А.Цукерваник қатнашди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Япония парламенти депутати Ю.Коиконинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик мактуби ўқиб эшиттирилиб, унда ўзбекистонлик санъаткорларнинг маҳорат ва истеъдоди алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мактубда, шунингдек, Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлмиш Ўзбекистон японияликлар орасида ҳамиша улкан қизиқиш ва алоҳида ҳурмат уйғотиб келгани қайд этилди.

Ўзбекистонлик мусиқачиларнинг чиқишлари Гунма префектураси билан Ўзбекистон ёшлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Такасаки шаҳри ҳокими Юкио Мацуура XIII Халқаро мусиқа фестивалида ўзбекистонлик мусиқачиларнинг иштирок этиши тарихи Буюк Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврларга бориб тақалувчи япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик риштaларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ёш авлод вакилларининг ижодий ва ақлий салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун яратилган шароитларни юқори баҳолар экан, у икки мамлакат ёшлари ўртасидаги дўстлик келгусида янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Гунма ёшлар оркестрининг бош мусиқий директори Ш.Минами ўзбекистонлик мусиқачилар ҳам ўзбек миллий мусиқаси, ҳам классик асарларни юксак маҳорат билан ижро этганини таъкидлади.

"Мен Ўзбекистонда классик асарларни профессионал даражада ижро этиб, дунёнинг энг нуфузли концерт залларида муваффақият қозона оладиган кўплаб ёш ва истеъдодли мусиқачилар борлигидан хурсанд бўлдим", — деди у.

Фестивал доирасида Маэбаши шаҳри маданият институтида Ўзбекистон ва Япония ёш мусиқачилари иштирокидаги қўшма концерт бўлиб ўтди. Унда ўзбек ва япон халқ қўшиқлари, миллий ва мумтоз мусиқий асарлар ижро этилди.

Концерт доирасида Маэбаши шаҳри маданият институти талабалари иштирокида атлас матосидан тикилган ўзбек миллий либосларининг намойиши ташкил этилди. Бундан ташқари, тадбир давомида Ўзбекистон тақдимоти ҳамда ўзбек халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

**"Жаҳон" АА.**
**Токио.**

## 14 феврал — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



***Темурийзода султонлардан бири, улуғ шоир ва давлат арбоби, беназир тарихнавис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, давру замонлар ўтгани сайин неча авлод ижодкорларини қизиқтириб келмоқда ва бундан буён ҳам шундоқ бўлмоғи табиий. Шоҳ Бобур қисқа бўлса-да, нечоғли зиддият ва қарама-қаршиликлар, матонат ва жасоратларга бой сертаҳлика ва сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтгани ўқувчиларга яхши маълум. Вақт ўтгани сайин улуғ шоирдан қолган улкан ижодий мероснинг қадр-қиммати янада залвор ва салмоқ касб этмоқда. Янги авлод ижодкорлари устоз адиблар мактаби ва тажрибасидан ўрганган ҳолда улуғ ҳукмдор ва шоир ҳаёти ҳамда ижодига қайта ва қайта мурожаат қилиб, унинг янгича қирраларини бадиий усулда кашф этишга уринмоқдалар.***

***Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид шу ўлмас мавзуга қўл уриб, яқинда "Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур" — фироқ ва соғинч достони"ни ёзиб тугатди. "Бобурнома"даги, ҳазрат Бобур шеъриятининг энг нозик нуқталари — хотиралар, ўй ва кечинмалар, мисралар, байт ва рубоийлар достоннинг асосий пойдеворини ташкил этади. Кўп ўринларда шеър ва ғазалларнинг Бобур тилидан берилиши ҳам асарга алоҳида руҳ бағишлаган.***

***Қуйида мазкур асардан айрим парчаларни газетхонлар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз. Достоннинг тўлиқ матни эса яқин кунларда Ёзувчилар уюшмасининг Шеърият кенгашида муҳокама қилинади.***

Назм ва наср бўлими

## «УМИДИМ БОРКИ БОБУРДИН...»

### "БОБУРНОМА"

"Бобурнома",
"Бобурнома" —
Шоҳ шоирдан авлодларга
Мангу ўлмас
Қадрнома.

Бунда кўнгил лоласидир,
Бунда умр ноласидир,
Дарду ғам мақоласидир
Ҳар бир нома —
Тақдирнома.

Неча бир ҳукмронлардан,
Амирлардан, хоқонлардан,
Давлатлару давронлардан
На ном қолди,
На бир нома.

Бобур чеккан изтироблар,
Ранжу заҳмат ҳам азоблар,
Буюк ҳижронидан боблар,
"Бобурнома" —
Жабрнома.

Юрагининг ҳар бир зарби,
Зафарлари, ҳарбу зарби,
Ҳар бир ҳарфи — кескир, ҳарбий,
Ҳар бир нома —
Ҳарбийнома.

Буни Бобур ўзи қурган,
Қалб қонию сўзи қурган.
Тожмаҳалдан ҳам зўр қўрғон,
"Бобурнома" —
Кабир нома.

Шерюракли мард ўғлонлар,
Ёвқур беклар ва султонлар
Яшар яна минг замонлар.
"Бобурнома" —
Ботирнома.

Умри ўғлига бахш кетган,
Ўз сўзини кафан этган,
Ўзини ўзи дафн этган.
Қалбда қолди қай бир нома?
"Бобурнома" —
Хотирнома.

Бу — менинг ҳам дил достоним,
Шунча эканми армоним?
Қандай чидабсиз, султоним?
Сабрнома "Бобурнома",
Сабрнома "Бобурнома".

### ЎН ИККИ ЁШЛИ БИР ТЕМУРИЙЗОДА

Муштарий ярқирар авжи фазода,
Мовароуннаҳр яна низода.
Миррих ва ё Зуҳал тўзғитдими чанг —
Ерда бошланади тўполон ё жанг.
Ҳали хаёллари тиниқ ҳам содда —
Ўн икки ёшли бир темурийзода.

Ҳали отаси ҳам жардан учмаган,
Кўнгил полапонин ҳижрон қучмаган.
Хаёли кўкдаги каптарлардадир,
Билмаски бор умри хатарлардадир.
Билмас не битилган ҳукми қазода,
Ўн икки ёшли бир темурийзода.

Қирда чопиб юрган қулунларки бор,
Дашту кенгликларни айлар ихтиёр.
Ҳали майсадайин ўйловгинаси,
Энди хат чиқармиш мўйлабгинаси.
Қўлдаги ўқ-ёйи ўйнар ҳавода,
Ўн икки ёшли бир темурийзода.

Оти эгарланган — асрлар томон
Олиб учмоққа шай уни шу замон.
Бу ном — то жаҳон бор сарбаланд бўлгай,
Ҳали уч юз йиллик салтанат бўлгай.
Қадду басти расо, ақли расо-да,
Ўн икки ёшли бир темурийзода.

Умр тулпор эса — ёллардир йиллар,
Бундан сўнг кечгайдир ёлларда йиллар.
Азал ҳукмдори не қилмиш — ҳақдир,
Тожу тахт тайёрлаб турмишдир тақдир.
Белда — кўркам қилич, ўзи — озода,
Ўн икки ёшли бир темурийзода.

## ҲАЁТБАХШ НАВОЛАР

*"Истиқлол" санъат саройида ва Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди.*

*Консерваторияда бўлиб ўтган кечада анъанавий ижрочилик кафедрасининг профессор-ўқитувчиларидан иборат Фахриддин Содиқов номидаги созандалар ансамбли ҳамда профессор Матназар Худойназаров раҳбарлигидаги талаба хонандалар ансамбли иштирок этди.*

*Талабалардан Илёс Арабов ижросидаги "Нимчўпоний", Лобар Жумадилова ижросидаги "Эй сабо", Нилуфар Муродова ижросидаги "Кўрмадим" каби ашулаларда устозларимизнинг ижро йўлларига ҳамоҳанглик сезилса, Моҳичеҳра Шомуродованинг "Муножот", Назокат Нарзиеванинг "Не наво", "Талқини Баёт" ашулаларида янгича талқин изланишларига гувоҳ бўламиз.*

*"Истиқлол" санъат саройидаги концертда Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли ҳамда "Ўзбекистон" ансамбли созанда-хонандалари иштирок этдилар.*

*Тадбирда навоийшунос олима, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси Суюма Ғаниева, Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зуҳра Ашуровалар қатнашдилар. Навоий ғазалларидан ўқиб, унинг сиймосини талқин этган Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовнинг маҳорати томошабинларни ўзига мафтун этди.*

*Устоз санъаткорлар Маҳмуд Тожибоев, Гулбаҳор Эрқулова, Зулайҳо Бойхонова, Комила Аминова, Эркин Рўзматов, Насиба Сатторова, Шарофат Тожибоева, "Ниҳол" мукофоти совриндори Гулзода Худойназарова ижросидаги ашулалар кечага файз бағишлади.*

**Дилобар ҚОДИРОВА**

## "ЎзАС" БИЛАН ҚАДРДОНМИЗ

### Газетхон мактуби

Анча йиллардан бери мен учун қадрдон бўлиб қолган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигини ўқиб келаман. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган қизиқарли мақолалар, шоир ва ёзувчиларимизнинг янги асарлари, олимларимизнинг қадим тарихимиз, маънавий қадриятларимиз тўғрисидаги тадқиқотлари, ўйлайманки, бир менга эмас, кўпчилик газетхонларга ҳам манзур бўлади. Шахсан ўзим кўпгина мақолаларни дўстларим билан биргалашиб ўқиймиз, баҳс-мунозара қиламиз. Кўп ҳолларда янги-янги маълумотларни билиб оламиз.

Шуниси эътиборга моликки, газетада чоп этилаётган мақолалар бир кун ёки бир ойда эскиб қолмайди, уларни йил давомида ҳам бемалол ўқиб, баҳраманд бўлиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, адабиёт газетаси менга ўхшаш оддий ўқувчилар билан бирга, мактаб, коллеж, лицей ўқитувчиларига, олий ўқув юртлари талабаларига зарур манба бўла олади. Чунки, миллий урф-одатлар, кийиниш одоби, инсон ва табиат муносабатларига доир мақолалардан таълим-тарбия жараёнида бемалол фойдаланиш мумкин.

Газеталар кўп, аммо уларда эълон қилинаётган мақолаларнинг ҳаммаси ҳам савия жиҳатидан талаб даражасида эмас. Баъзи газеталар нуқул чет элларда содир бўлган олди-қочди воқеаларни ёзишади, ишониш қийин бўлган табиат ҳодисаларини бўрттириб кўрсатишади. Газета тарбия воситаси сифатида ўз олдига қўйган мақсадни тўғри бажариши керак-ку.

Адабиёт газетаси ижодкорларига, газетанинг фаол муаллифларига янги ижодий ютуқлар тилаб қоламан.

**Ибодулла ЖЎРАБОЕВ,**
**меҳнат фахрийси**

## ҚУМОВУЛГА БОРСАНГИЗ АГАР...

### Қишлоқдан мактублар

Бирор одам билан танишиб, суҳбатлашиб қолсангиз, гап асносида суҳбатдошингиз "Ҳовли қаерда?" деб сўраши табиий. Фалон қишлоқданман, ёки фалон маҳалладанман, дейсиз беихтиёр фахр билан. Қишлоғингиз номи барчага бирдек таниш ёки у ердан жуда кўп кўзга кўринган инсонлар етишиб чиққан бўлса-ку, ҳамроҳингиз саволидан яйраб кетасиз. Бордию, қаршингиздаги одам қишлоғингиз номини энди эшитаётган бўлсаю, қизиқиб "Қишлоғингиз номи тарихини биласизми?" деб сўраб қолса-чи?..

Ўртачирчиқ туманида Қумовул номли қишлоқ бор. У Бектемир туманининг тугаш нуқтасидан бошланади. Қишлоқнинг ташкил топиб, бу ерда одамлар яшай бошлаган вақтлар анча узоққа бориб тақалса-да, аммо бу қишлоқ яқиндан бошлаб шундай номланган. Нега шундай?

...Йиғилиш мунозараларга, тортишувларга бой бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари, диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, маҳалла фаоллари битта масала хусусида фикрлашдилар — қишлоқ фуқаролар йиғини номини ўзгартириш.

Йиғилганларнинг бир гуруҳи қишлоққа Бектемир дея ном бериш тарафдори бўлишди. Чунки, қишлоқ пойтахтнинг Бектемир тумани билан чегарадош. Аммо Бектемир дейилса, туман ҳам, қишлоқ ҳам тушунилавермайди. Яна бошқа таклиф тарафдорлари ҳам кўп бўлди: қишлоқда 11 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Шулардан бирининг номига тўхталиш керак. Шу нуқтаи назардан, қишлоқни масалан "Намуна" деб номлаган ҳам маъқул. Токи қишлоқ туманга, қолаверса, вилоятга намуна бўлсин. Бунга асос бор. Собиқ хўжаликнинг маданият саройи мукаммал таъмирдан чиқарилди, атрофи ободонлаштирилди. Бу ерда вилоят "Маънавият ва маърифат маркази" барпо этилди. Замонавий меъморчилик талабларига мос келадиган бу мажмуани кўрган кишининг кўзи қувонади.

— Ёшим элликдан ошди, — деди шу мунозарада сўз олган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Одилхўжа Тўрахўжаев. — Мен шу қишлоқда туғилдим. Шу ерда ишлайман. Мана, қўлимда туғилганлик ҳақида гувоҳномам турибди. Унда туғилган жойим "Қумовул" деб ёзиб қўйилган. Бу ерлар азал-азалдан "Қумовул" деб атаб келинган. Сабаби, қишлоғимиз Чирчиқ дарёсининг соҳилида жойлашган. Нима кўп — қум кўп. Бунинг устига қўшни қишлоқ "Тошовул" деб аталади. Менимча, қишлоғимизнинг тарихий номини тикласак, тўғри иш қилган бўламиз. Қолаверса, бу ном тарихий, жўғрофий талабларга ҳам тўла жавоб беради.

Ниҳоят, қишлоққа кираверишда — катта йўл ёқасида "Қумовул" деган ёзув пайдо бўлди...

Бу гапга кўп бўлгани йўқ. Қишлоққа ном тўғри танлангани боис, у аҳоли шуурига тез сингиб кетди. Қумовулни бугун кўпчилик яхши билади. Айни дамда Тошкент вилояти миқёсидаги кўплаб тадбирлар Қумовулда — вилоят Маънавият ва маърифат марказида ўтказилмоқда.

Бугун Қумовулга келган одам уни тамоман янгича манзарада кўриб, танимай қолиши турган гап. Кенг ва равон йўллар, янгича қиёфа касб этган иншоотлар, ҳамиша гавжум маиший хизмат ва савдо шаҳобчалари, ва ниҳоят, янги кўчаларда бир текис, қадди кўтариб қурилаётган уй-жойлар кўзни қувонтиради.

Қумовулнинг бугунги ёшлари табиатан билимга чанқоқ, истеъдодли. Буни шу ҳудуддаги боя айтганимиз — вилоят маънавият ва маърифат марказида мунтазам ишлаб турган ижодий гуруҳлар, турфа тўгараклар гавжумлигидан ҳам билиш мумкин. Шу ерда шуғулланиб, адабиёт ва санъатга оид кўникмаларини шакллантираётган бир гуруҳ қумовуллик ёшлар "Қалбимда Ватан мадҳи", "Келажак овози" кўрик-танловларининг туман, вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этишди.

— Мен она тили ва адабиёти фанига жуда қизиқаман, — дейди тўграк аъзоси Яхшибек Ширинов. — Мактабимиз қишлоғимизда очилган маънавият ва маърифат марказига яқин жойлашгани сабабли, дарслар тугади, дегунча синфдошлар билан тўғри шу ерга келамиз. Бу ерда маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлимлари, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва унинг қошидаги бадиий дасталарнинг шу ерда жойлашганлиги биз учун айни муддаодир. Улар бизни ҳамиша очиқ юз билан кутиб олишади. Интилишларимиз, ташаббусларимизга қанот беришади.

Айниқса, бу ердаги концерт залида тез-тез ўтказиб туриладиган байрам тадбирлари, кўрик-танловлар, туманимиз ва вилоятларимиздан етишиб чиққан ёзувчи-шоирлар, хонандалар билан учрашувлар бизда яхши таассурот қолдиряпти. Очиғи, ўзим ҳам бировга билдириб-билдирмай шеърлар машқ қилиб тураман. Шундай учрашувлардан бирида бир қанча шеърларимни Маҳмуд Тоир, Ҳамид Норқул сингари устозларга кўрсатиб олдим, уларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига қулоқ тутдим.

Қумовулга йўлингиз тушса, албатта қишлоқдаги энг муҳташам мажмуа — вилоят Маънавият ва маърифат марказига бир кириб ўтинг. Тараққиёт ва фаровонлик қишлоқларга дадил кириб бораётганига гувоҳ бўласиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**




## БОҚИЙ ИЛҲОМ

***Халқимизнинг буюк фарзандлари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг қутлуғ саналари юртимизнинг деярли барча гўшаларида, ўқув юртлари, маҳаллалар, корхоналарда кенг нишонланмоқда.***

Ўзбекистон давлат Божхона қўмитасида ўзбек давлат драма театри актёрлари иштирокида ўтган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди. "Фахрийлар билан бир қаторда ёшлар ҳам ҳар бир сўзингни, қарашингни, хатти-ҳаракатингни тушуниб қабул қилаётган аудитория олдида чиқиш ҳам ёқимли, ҳам шарафли, — дейишди таниқли актёрлар Афзал Рафиқов, Элёр Носиров, Муножот Тешабоева ва Тўхтахон Туропова. — Уларнинг буюк боболонларимизга ҳурматидан биз ҳам илҳом олдик. Одамлар ҳали яна кўп йиллар Навоий ва Бобур ижодидан баҳраманд бўладилар. Даҳолар меросини авлодларга етказишга ҳисса қўшиш бизнинг бурчимиздир".

**Флора ФАХРУТДИНОВА**



Муаллиф олган сурат.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

*Куни кеча "Турон" ахборот кутубхона маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги тасарруфидаги 71-186-сонли ҳарбий қисмнинг маданият саройида шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллиги, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди. Кечада подполковник Авазбек Қорабоев ва "Турон" ахборот кутубхона маркази илмий-услубий бўлим бошлиғи Насиба Аманкелдиевалар икки улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида йиғилганларга сўзлаб бердилар, куй-қўшиқлар ижро этилди. Шоирлар ижодига бағишланган китоблар кўргазмаси, плакатлар ва улар асосида ўтказилган шарҳлар кеча қатнашчиларида қизиқиш уйғотди.*

